



# Тошкент халқига

РўЗНОМА 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 100 (10.096).

• 1991 йил 28 май • сешанба •

Баҳоси 8 тийин.

## ИҚТИСОДИЁТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ—БОШ ВАЗИФА

Умуман иқтисодийташқиётнинг самарадорлигини ошириш, шу жумладан иқтисодийташқиётнинг хом ашёни чуқур қайта ишлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий сифат белгиларини яхшилаш ҳисобига самарадорлигини кучайтиришни бош вазифамиз, деб биламан. Шу маънода жумҳуриятларнинг бозор муносабатларига ўтиш чоғида иқтисодий ҳолатини бараварлаштириш Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан — пахта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини оширишдир. Жумҳуриятда ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Бу эса Ўзбекистоннинг ўз манфаатларига ҳам, умуман мамлакат манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш — аҳолини моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлашнинг ҳақиқий йўлидир.

Бу фикрни Иттифок Бош вазир Иттифок ва жумҳурият омавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда айтди. Журналистларнинг саволларига В. С. Павлов билан биргаликда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ҳам жавоб қайтарди.

Жумҳуриятлар, корхоналар ўртасидagi ўзаро алоқани ривожлантириш ва мустақамлаш мамлакат иқтисодиётини барқарорлаш-

тиришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди. Бу соҳада Ўзбекистон яхши намуна бўлмоқда.

В. С. Павлов жумҳуриятда юз берган табиий офат тўғрисида гапириб, халқлар дўстлиги — социализмнинг буюк ғалабасидир, бинобарин, биз ундан воз кечмай-миз ва воз кечмоқчи ҳам эмасмиз, деб таъкидлади. Бошга куфат тушган дўстларга биз биргаликда ёрдам беришимиз лозим. У жала ва дў оқибатларини тутатиш учун ҳукумат мумкин бўлган ҳамма ишни қилади, деб ишонтирди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонга буюкорлик материалларини юбориш айниқса муҳимдир.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, иқтисодиётдаги ишларнинг аҳоли тўғрисида батафсил сўзлаб берди, янги Иттифок Шартомасини тузишнинг муҳимлигини таъкидлади. Бу Шартомга фақат сиёсий муаммоларни эмас, шу билан бирга иқтисодий муаммоларни ҳам ҳал қилишда, хусусан жумҳуриятларнинг улар иқтисодий дастурларини амалга ошириш учун жуда зарур бўлган халқаро бозорга чиқишида жумҳуриятларга мустақиллик беради.

Журналистлар билан учрашувда жумҳуриятда ҳал қилиниши лозим бўлган го-я

муҳим муаммолар ҳақида гапирди. Улар орасида аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари, сувдан фойдаланиш, Оролбўйида экология вазиятини яхшилаш масалалари бор.

«Аср лойиҳаси» — Сибирь дарёлари сувининг бир қисmini Урта Осиёга оқизиш ҳақидаги лойиҳа тақдирини Илмий жиҳатдан синаб кўрилган ва аниқ жавоб бўлиши керак, деб ҳисоблайди В. С. Павлов. У бу масалада, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигига эътиборини қаратди. И. А. Каримов бу муаммо ҳусусида ўз нуқтаи назарини баён қилиб берди. У лойиҳа юзасидан текшириш ишлари тўхтатилгандан сўнг аҳоли, кишлоқ хўжалик екинлари екиладиган майдонлар кўпайиб бораётган Урта Осиё минтақасини сув билан қандай таъминлаш мумкин, деган асосий масалага олимлар ва амалиётчилар шу вақтга қадар жавоб бермаганликларини таъкидлади.

СССР Бош вазир В. С. Павлов 25 май кунни Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари билан безатилган аэропортда уни Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А.

Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, президентлик кенгашининг аъзоси В. М. Камолов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

В. С. Павлов самолёт пилотаси бўлиб, ҳисоблайди Ахборот агентлиги ва телевидение мухбирларининг саволларига қисқача жавоб қайтарди.

— Ўзбекистон меҳнат-қашларига бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, муваффақият ва келажакда яхши турмуш бўлишига умид қилишларини тилайман. Мен Ўзбекистонга келиш учун анчадан бери тайёргарлик кўрадман, афсуски, катта мусибат рўй берди ва зудлик билан бу ерга келдим. Барча дўстларимга қўлимдан келганича ёрдам бериш учун ўз вақтида келдим, деб ўйлайман, — деди Иттифок Бош вазир.

В. С. Павлов Ўзбекистонда бўлган вақтида Тошкент вилояти бўйлаб сафар қилди. Лимонзорда, Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш биришмасида, «Ленин йўли» жамоа хўжалигида бўлди.

(ЎзТАГ).

## ОМИЛКОРЛИК САБОҚЛАРИ

«Средазкабель» бирлашмасида ишлашнинг «кооператив» ундан сўнг эса ижара усулига ўтилиши билан ташаббус ва омилкорлик жуда кучайиб кетди.

Илгари бу ердан ҳар йили юз тоннага яқин резина чиқиндиларини ахлатга ташлаб юборишарди, чунки ундан асосий ишлаб чиқаришда иккинчи марта фойдаланиб бўлмади. Резина қоршамасининг ўртача нархи минг сўм бўлиб, ундан келадиган зарар анчагина пулни ташкил этарди. Ўтган йили «Камалак» ижара корхонаси уларни қайта ишлаш йўлга қўйиб, ярим миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди.

Ҳозир чиқиндилардан ўттиздан ортқч номида буюмлар тайёрланмоқда. Булар сув тушиданги мураккаб, ванналар учун қисирма-лар, автомобиллар учун «бошмоллар» ва турмушда керак бўладиган бошқа зарур нарсалардир. Уларнинг баъзилари тақчил моллар қаторига кириб қолган, бошчаларини эса хари-дорлар умуман билишмасди.

«Техносервис» ижара корхонасидаги шериклар «Камалак» учун шартомасвий асосда ишлаб чиқариладиган буюмларнинг турлари, уларни ишлаб чиқариш технологияси, қилишларини яратдилар. Улар «Верткаль» ижара корхонасига ҳам моллар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ёрдам беришмоқда. Ҳозир бу ерга 180 тоннали тахтакач ўратилган. Яқин орада резина қоршамасини чиқиндилардан қоз фозиз микродина қайта ишлана бошладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

## КОСМОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШИШДИ

Тасс ахбороти

Совет космонавти Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва Буюк Британия фуқароси Хелен Шарман «Мир» станциясида парвоз дастурини тутатгаларидан сўнг 1991 йил 26 май кунни Москва вақти билан соат 13 дан 5 минут ўтганда Ерга қайтиб тушди.

«Союз ТМ-11» кемасининг туширувчи аппарати Жезқазғон шаҳридан 68 километр Жануби-Шарқда, белгиланган ерга қўнди. Космонавтлар Ерга қўнгиларидан сўнг ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Узоқ давом этадиган ўқичини экспедиция экипажи — Анатоллий Арцебарский билан Сергей Крикалев «Мир» орбитал комплексидagi ишларини давом эттиришмоқда.

175 кун давом этган саккизинчи экспедиция чоғида «Мир» комплексидagi тадқиқотлар дастурининг асо-

сий йўналишлари — астрофизика, технология, геофизика, биология ва биотехнология бўйича ишлар давом эттирилди. Экипаж тўрт марта очик фазога чиқди. Космонавтлар комплексининг ташқи юзасига монтаж ишлари олиб боришга мўлжалланган телескопик юк ўқ ейини ўрнатдилар ва синаовдан ўтказдилар, режалаштирилган тузатиш-тиклаш ишларини бажардилар.

Ернинг табиий ресурсларини бундан кейин ҳам тадқиқ этиш мақсадида мамлакатимиз ҳаудди ва жаҳон океани авиатораси айрим рай-онларнинг каттагина қисми суратга олинди. Бутун пар-воз давомидида Ер атрофи кенглигиде фазода пайдо бўладиган зарарлар оқимини му-тазам равишда ўлчаб ту-рилди. Таркиби яхшилланган турли ярим ўтказгичли мате-

риалларнинг монокристалла-ри олинди. Мураккаб ҳужай-рали экинлардан кейинчалик таёбат ва дорихуносликда фойдаланиш учун уларни вазнисизлик ҳолатида бундан кейин ҳам парварилаш са-марадорлигини ўрганиш юза-сидан тақриблар ўтказил-ди. Олий ўсимликлардан фой-даланиб, яшаш учун шароит яратишнинг истиқболли ти-зимларини вужудга келти-риш имкониятлари борасида ҳам туркум тақриблар ба-жарилди.

Тадқиқотчи космонавт Хелен Шарманнинг совет эки-пажи билан биргаликда иш-лаши СССР ва Буюк Брита-ния ўртасида космосни ўз-лаштиришда ривожланиб бо-равган ҳамкорлигининг на-мунаси бўлди. Хелен Шарман парвоз давомидида катта ҳаж-ида табиий-биологик тадқи-қотлар, технологик ва био-технологик тақрибларини ба-жарди.

Доимий ишлайдиган «Мир» орбитал комплексиде сакки-зинчи экспедиция чоғида олинган натижалардан фан ва халқ хўжалигининг турли тар-моқларида фойдаланилади.

МУҲАҲРИРИЯТГА  
МАҚТУВ

НОМСИЗ  
КЎЧАЛАР

ЧИМБОЙЛИҚ қишлоғи-нинг кўна тарихи бор. У Совет ҳокимияти тузилмас-дан олдин ҳам мавжуд бўл-ган. Бу қишлоқнинг 200 дан ортқч йилгилари Улуғ Ватан уруши даврида Ва-танин ҳимоя қилишда қат-нашганлар. Бир қатор ўқи-мишлар, нуфузли кишилар ҳам шу ерда волағ етишди. Афсуски, аял шу кўна қи-шлоқда сўнгги йилларда ҳеч қандай иқтисодий муаммо-лар ҳал этилмаган.

Бу ҳам майли-я. Шароит-га қўнқиб кетган халқимиз бир кунини ўтказиб юриб-ди. Лекин Чимбойлик қи-шлоғи кўчаларига ном қўйил-маганлигини қандай баҳо-лашга ҳам ҳайрон қола-сан, киши. Бўстонлиқда-ку билинмас экан. Аммо иш билан ўзга жумҳуриятлар-га, вилоятларга бориб би-рон варақа тўлдиришга тўғри келганда ҳайрон бў-либ елка қиснади. Сабоби манзилгоҳини «Бўстонлик райони, Чимбойлик қишло-ғи» деб тўлдирамиз. На кўнанинг номи бор, на ўй-ниқ рақами. Бу тўғрида 1989 йилда райондаги «Бўс-тонлик овози» рўномасида ҳам ёзилган эди. Аммо мақолага на райондаги раҳ-барлар, на қишлоқ шўроси эътибор берди.

Ўйлаб-ўйлаб бу сафар ви-лоят рўномасига мурожаат этишга ҳарор қилдик. Чун-ки қишлоқ кенгайиб бора-пти. Унинг номсиз кўчалари ҳам кўпаймоқда. Ахир қа-чонгача бундай шароитда яшаш мумкин? Сизлардан ягона илтимосимиз бу ма-салада райондагилардан қатъий жавоб оласангиз.

Чимбойлик қишлоғи ёшла-ри номидан:

МУСАЕВ,  
НОРМЕТОВ,  
АРСЛОНОВ,  
АХМЕДОВ  
ва бошқалар.



Мусаев, Норметов, Арслонов, Ахмедов ва бошқалар.



Сураатқаш А. МАЛЬЦЕВ.



ХУШХАБАР

## ПИЛЛА ТОПШИРИШ БОШЛАНДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ ноҳия- топиришини бошлади.лар.  
си заршунослари пилла. Ноҳия бош пиллахонасига

биринчи бўлиб 22 майда «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 1-бригадаси заршуноси Саидхўжа Ҳидоятлов ўзи етиштирган ҳо-синни келтирди. У 13 грамм инак куртинин меҳр билан парваришлаб, 59 килограмм олий навли пилла етиш-

тирди. Район партия коми-тетининг биринчи котиби Абдусамид Носиров илгор пиллакорга мукофот тари-қасида бир кийимлик атлас топишди.

«Коммунист» жамоа хў-жалигининг тақрибали пил-лакори 61 ёшли Жамол ая

Абдуқодирова 22 майда 1 кўти инак куртидан 86 ки-лограмм пилла топишди, кўччиликнинг таҳсинига са-завор бўлди.

Ноҳияда бу йил давлатга 57 тонна пилла топишриш режалаштирилган. Мақсад-га эришиш учун 1182 ку-

ти инак курти боқилди. Етиштирилган пиллани те-ришга ёппасига киришилди. 22—23 май кунлари ноҳия бош илхонасига заршуносл-лари 1,7 тоннадан ортқч қимматли сановат хом ашёси қабул қилиб олдидлар.

Қ. МУЛЛАБОВЕВ.





## ЯҚИНЛАШМОҚДА

лиқдан саноатда ва  
хўжалигида  
фойдаланиш мумкин.  
Автоматика блоқи ҳа-  
во иситгичнинг даст-  
турда белгиланган тар-  
тибда ишлаганини таъ-  
минлайди ва авария  
ҳолати юзасга келса  
хавфсизликка кафо-  
лот беради. Газли  
ҳаво иситгич Тош-  
кентдаги «Геологораз-  
ведка» заводида ишлаб  
чиқарилмоқда.

лиқдан саноатда ва  
хўжалигида  
фойдаланиш мумкин.  
Автоматика блоқи ҳа-  
во иситгичнинг даст-  
турда белгиланган тар-  
тибда ишлаганини таъ-  
минлайди ва авария  
ҳолати юзасга келса  
хавфсизликка кафо-  
лот беради. Газли  
ҳаво иситгич Тош-  
кентдаги «Геологораз-  
ведка» заводида ишлаб  
чиқарилмоқда.

